



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женева шаҳридаги бўлинмаси бош директори Майкл Мёллерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Самарқандда ўтказиладиган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми тадбирларида иштирок этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли делегацияси ташрифи Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир тасдиғи эканини мамнуният билан таъкидлади.

Ўзаро алоқа ва ташрифлар сезиларли фаоллашгани мамлакатимизнинг Ташкилот тузилма ва институтлари билан конструктив мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган самарали ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилгани қайд этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ва БМТнинг бошқа муассасалари билан амалий ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор дастурий ҳужжатлар ва "йўл харита"лари қабул қилинган ва биргаликда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан жорий йил июнь ойида биринчи марта БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш масалалари бўйича махсус резолюцияси қабул қилинган ҳамда унинг халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватлангани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенцияси ва Бош Ассамблеянинг "Маърифат ва диний бағрикенглик" номи резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббусларини илгари суриш йўлида биргаликда ишлар давом эттирилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Орол экологик фожиаси оқибатларини, жумладан, Орол бўйида ижтимоий-иқтисодий, гуманитар дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали юмшатишда жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг БМТ шафелигида махсус Траст жамғармасини ташкил этиш бўйича ташаббусини рўйбга чиқариш бу борада катта амалий қадам бўлади. Жорий йил 27 ноябрь куни Ташкилотнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида ушбу тузилманинг юқори даражадаги биринчи тадбири бўлиб ўтади.

Томонлар, шунингдек, минтақамиз ва унинг ташқарисида тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим омили бўлган Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этишга ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани қўриб чиқилди. БМТ Бош котиби ўринбосари Майкл Мёллер дав-

латимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ташкилот Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган, аввало, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохот ва янгиланишларга юксак баҳо берди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўз мазмун-моҳиятига қўра, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг экани алоҳида таъкидланди.

Майкл Мёллер Ташкилот Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишонч, яхши қўшничилик ва конструктив шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақада барқарор тараққиётга қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

БМТ Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми натижалари доирасида янада мустаҳкамлашга тайёр экани қайд этилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА РАҚАМЛИ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯНАДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимига интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурий ҳужжатлар тарқоқ эканини кўрсатмоқда.

Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада тақомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа

бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агент-

лик) рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш

соҳасида ваколатли орган ҳисобланади;

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жум-

ладан, "блокчейн" технологияларини жорий этиш билан бог-

лиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга

ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва

бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган дав-

лат муассасаси шаклидаги "Рақамли ишонч" рақамли иқтисо-

диётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси

(кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил ўтади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ, УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат ва жамият бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилатганига қарамадан "Электрон ҳукумат" тизимининг жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўқсонли қилувчи қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

биринчидан, ахборотлаштириш субъектлари томонидан қўрилган ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартларининг ижро этилиши устидан назорат ва текширишнинг амалдаги механизми замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги кўрсатилган ҳизматлар сифатининг пасайишига олиб келмоқда;

иккинчидан, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга маъсул ягона ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлигига сабаб бўлмоқда;

(Давоми 2-бетда)

БМТ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ИСЛОХОТ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАСТУРЛАРИНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАЙДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женева шаҳридаги бўлинмаси бош директори Майкл Мёллер Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг ЎЗА мухбирига мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақидаги фикрларини билдирди.

– Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги барча чора-тадбирлар долзарб ва бугунги куннинг бош мавзусидир. Бу масалаларни ҳал этиш учун халқаро даражада Барқарор тараққиёт мақсадларини белгилаб олганимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ютуғидир. Ушбу кенг миқёсли дастурнинг мақсади замонамизнинг долзарб масалаларини ҳал этишга қаратилган. Шу маънода, биз Ўзбекистоннинг ҳам мамлакат даражасида, ҳам минтақавий ёндашув доирасида амалга ошираётган ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Биз Ўзбекистонда Барқарор тараққиёт мақсадларини рўйбга чиқаришда қўллаб-қувватлашга интиламиз. Бунинг натижаси янгидан ишлаб чиқилаётган "йўл харитаси"да акс эттирилади керак.

БМТ Ўзбекистонда барча ислохотлар, янгиланишлар ва дастурларни амалга оширишга тўлиқ тайёр эканини билдиради. Албатта, юртингизда рўйбга чиқарилаётган кенг қўламли ўзгаришларни ўрганиш, нафақат ўрганиш, балки Ўзбекистоннинг ижобий таърифи сифатида бошқа мамлакатлар ўртасида оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев билан, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор ташкилотларида ўтказилган музокаралар самарали бўлгани бунга яна бир қарра тасдиқлайди.

Самарқандда илк бор ташкил этилаётган Осиё форуми Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишлангани билан аҳамиятли. Ушбу форум Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларни лозим даражада рўйбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш нақадар муҳим эканини теран тушунишни яққол ифода қилади. Форум нафақат мамлакат, балки минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга.

Ушбу муҳим тадбир Ўзбекистонда ўтказилаётганини биз қадрлаймиз ва тўла қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатимиз раҳбарияти ҳуқуқ ва эркинликларни лозим даражада таъминлаш бўйича изчил ишларни давом эттираётгани ҳам бундан далолат беради.

Уйлашимизки, бу Ўзбекистонда давлат ва жамиятни модернизация қилиш доирасида амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг мантйқий давомидир. Жаҳонда ҳукм сураётган бугунги таҳликали шароитда ушбу юқори даражадаги форумнинг ўтказилиши нафақат Ўзбекистон, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди



МЕВА-САБЗАВОТ ЯРМАРКАСИ ФАОЛ ТАДБИРКОРЛАРНИ ЎЗИГА ЧОРЛАМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, "Ўзбек-озикроқхотдинг" холдинг компанияси, "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган мазкур ярмаркада Япония, Украина, Россия, Болгария, Туркия ва Қирғизистон каби 14 давлатдан кайта ишлаш ва савдо компаниялари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашмоқда.

Кўргазма очилишида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, еттиштирилган ҳосилни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим омили бўлаётгани таъкидланди.

– Бу каби кўргазмалар мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириб, маҳаллий маҳсулотларимизга хорижда талабни янада оширадиган, дейди Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш

маркази директори Ақром Алимов. – Жорий йилнинг ноябрь ойига қадар юртимиздан хорижга 800 миллион долларга тенг 1 миллион 100 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Бу 2017 йилга нисбатан 20 фоиз кўпдир. Йил сайин деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилиши, соҳанинг давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватлаши ўз самарасини бермоқда.

(Давоми 2-бетда)



• Самарқандда Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлар кўрик-танловининг бу йилги вилоят босқичи ўзгача ўтди. Вилоят босқичида 130 нафар истеъодли қиз таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолияти йўналишлари бўйича ўз билим ва маҳорати, ижодий иқтидорини намойён этди. Танлов якунида барча йўналишлар бўйича галиблар аниқланди ва уларнинг ижодий ишлари мамлакат босқичига таъсия этилди.

• Термизда ўтказилган "Ёш китобхон" танловининг Сурхондарё вилояти босқичида китобхонлар уч ёш тоифасида "Буюк мутафаккир ва адиб" ва "Бадиий асарлар билимдонли" шартлари бўйича ўз билимини намойиш этди. Галибларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг диплом ва сертификатлари, қимматбаҳо совғалари топширилди.

• Андижонда вилоят маркази аҳолисини уй-жой билан таъминлаш масалаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

• Бухоро шаҳар Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Марказ зали бўйлаб ўрнатилган белгилар, хизматларни онлайн тарзда олиш имконини берадиган инфокиосклар, у ёки бу давлат хизматидан фойдаланиш жараёни, электрон навбат кўрсатилган қозғачани олиш, қайси ойнага мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида тушунириш берадиган маслаҳатчилар, шунингдек, кутиш жойлари ташриф буюрувчиларни мамнун этмоқда.



• Жорий йилнинг 8 ноябрида бошланган ва кучли шомол ҳамда қуруқ ҳаво туфайли тобора кенгайиб, АҚШ тарихидаги энг ҳалокатли ёнгин даражасига етган Калифорниядаги ўрмон ёнгинлари қурбонларининг сони 76 кишига етди, бедарак йўқолганлар эса 1200 дан ошиб кетди. Ҳозирда қутқарувчилар томонидан ёнгин қурбонларининг жасадларини излаш ишлари давом этмоқда. Табиий офатни жилавлалаш учун барча чора-тадбирлар ишга солинмоқда.

• Америкалик машҳур кўшиқчи Фрэнк Синатра ва унинг охириги рафикаси Барбарага тегишли турли буюмлар ва зеб-зийнатлар 44 та лотда "Сотбис" аукционига илк бор қўйиладиган бўлди. Буюмларнинг бошланғич нархи 800 доллардан 120 минг долларгача бўлиб, уларнинг орасида энг қимматбахоси Фрэнкиннинг рафикасига тўйдан олдин тухфа этган узукдир. Қимомиди савдолари икки босқичда 4 ва 6 декабрь кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИРАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА
РАҚАМЛИ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯНАДА МОДЕРНИЗАЦИЯ
ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Агентлик, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг “Universal Mobile Systems” МЧЖ (кейинги ўринларда – оператор) устав капиталидаги давлат улушини 100 фоиз миқдорда Жамғармага бегараз асосда топшириш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: Жамғарма томонидан ушбу қарорга мувофиқ олинган мол-мулк юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди; операторнинг устав капиталидаги ушбу қарорга мувофиқ топширилган улуш юридик шахсларнинг фойда солиғига ва қўшилган қиймат солиғига тортилмайди.

4. Агентлик ва Жамғарма юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда икки ой мuddатда самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (KPI) ва мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг жорий этиш учун зарур техник базани яратиб билан бир қаторда қуйидагиларни назарда тутуви 2019–2021 йилларда “Universal Mobile Systems” МЧЖни ривожлантириш Концепциясини (кейинги ўринларда – Концепция) ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

операторнинг бошқарув тизимига, шу жумладан, мобил хизматлар кўрсатиш соҳасида етарли тажрибага эга малакали мутахассисларни жалб этиш орқали инновацион менежментни жорий этиш;

ички куч ва маблағларни сафарбар этиш, телекоммуникация ускуналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига улашни имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш;

барча давлат хизматларининг фақатгина операторнинг маълумотларга ишлов бериш марказлари орқали кўрсатилишини таъминлаш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

операторнинг устав капиталидаги топширилган давлат улушини бошқариш Жамғарма томонидан фақатгина Жамғарма Кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

операторнинг устав капиталидаги давлат улушидан олинган даромадлар, шунингдек, мақсадли имтиёзлар беришдан бўйабдиган молиявий маблағлар Концепцияни амалга ошириш даврида технологик ускуналарни модернизация қилиш ва мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида Жамғарма ҳисобига йўналтирилади;

Концепцияда назарда тутилган тадбирлар

лар операторнинг ўз маблағлари ва Жамғарма маблағлари, жалб этиладиган қарз маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Оператор 2021 йил 1 декабрга қадар мuddатга телекоммуникация соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензия бериш учун давлат божи, радиочастоталар спектрининг фойдаланиш учун тўлов, шунингдек, радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун эксплуатация йўғими тўлашдан озод этилсин.

7. Операторга:

фақат ўз тижорат эҳтиёжлари учун, бошқа оператор ва провайдерларга овозли телефония ва интернет трафики халқаро каналларини ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқсиз халқаро телекоммуникация тармоқларига (маълумотлар ва овоз узатиш тармоқларига), шу жумладан, “IP-телефония” технологиясидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри улашиш;

зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида Жамғарма билан келишилган ҳолда шартнома асосида мустақил хорижий, миллий консультант ва экспертларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори ишга қабул қилишда ходимлар маълумотининг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича малака разрядларини белгилаш юзасидан тегишли йўналишда хорижий олий таълим муассасаларини таъминлаган мутахассисларга нисбатан қўлланиши, истисно тариқасида, тавсиявий характерга эга.

8. Вазирлиқнинг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-уй манзилида жойлашган биноси операторни жойлаштириш учун ҳужалик юритуви ҳуқуқи асосида Агентликка топширилсин.

9. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д.Р.Ли зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 21 ноябрьЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ
ЖОРИЙ ЭТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ, УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

учинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий этилаётган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларнинг экспертиза ва сертификатциядан ўтказиш тизимидаги камчиликлар уларнинг “Электрон ҳукумат” тизимига жадал интеграциялашувини сусайтирмақда;

тўртинчидан, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими, муҳим ахборот инфратузилмасининг муқаммал эмаслиги давлат ахборот тизимлари объектилари, рақамли иқтисодиёт ва шахсий маълумотларнинг заифлашувига олиб келмоқда;

бешинчидан, бузувчи кучларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет тармоғидан фолд фойдаланиши аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг дунёқараши ва онгига салбий таъсир кўрсатмоқда;

олтинчидан, ахборот ва киберхавфсизлиги таъминлаш соҳасидаги илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий қилиш бўйича тизимли ишларнинг мавжуд эмаслиги миллий ахборот маконини ҳимоя қилишнинг замонавий усулларини жорий қилиш имконини бермапти.

Ахборот соҳасида ягона давлат сиёсати рўйбга чиқарилишининг самарадорлигини ошириш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлиги таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияни;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

умумий штат бирлиги 198 нафар, шу жумладан, ҳудудий бўлиналарда – 110 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Давлат инспекцияси);

давлат унитар корхонаси шаклида Техник кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда – Марказ);

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг бўшаётган 135 нафар штат бирлиги Марказга ўтказилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: Давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади, “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари бундан мустасно.

Давлат инспекцияси Марказнинг таъсисчиси ҳисобланади.

5. Қуйидагилар:

а) Давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ўз ваколати доирасида почта алоқаси, ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларини хизматларининг сифатли тақдим этилиши, даврий босма нашрлар, фонограммалар, аудиовизуал асарлар ва ЭХМ учун дастурлар тарқатилишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари

рини таъминлаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭХМ учун дастурлар тарқатишда (сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига етказишда) муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва идораларда “Электрон ҳукумат” тизимини инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграллашган ахборот тизимларини, маълумотлар узатиш ва алмашишнинг идоралараро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси, шу жумладан, электрон давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги;

“охириги мила” тамойили бўйича Интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни, мультисервис алоқа тармоқлари технологияларини, мобил алоқа бозорини, бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини, шунингдек, почта алоқаси хизматларини ва даврий босма нашрлар тарқатишни кенгайтириш йўли билан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

б) Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган самарали ташкилий ва дастурий-техник ёнчиларни текзор қабул қилиш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш;

қонун бузувчиларини, ахборотлар маконидидаги руҳсатсиз ёхуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилиш, идентификациялашда телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

ахборотлаштириш объектиларида (давлат сирлари бундан мустасно) аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни, ахборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникация жиҳозлари ва бошқа техник воситаларни аттестация, экспертиза ва сертификатциядан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш;

давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий сегментини ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳудудий бўлиналарининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 5 ва 6-бандлари талаблари Давлат инспекцияси томонидан амалга ошириладиган текширишларга таътиб этилмайди.

7. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Жорий таъминот (иш ҳақида давлат қўшимча тўловлари ва устама пуллар сақланган ҳолда), Давлат инспекцияси ва Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар ҳодимларининг меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш

риш бўйича харажатларни молиялаштириш. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Марказ ходимларига ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги алоҳида меҳнат шартлолари учун ходим лавозим машошнинг камида 100 фоизи миқдориди ойлик устама белгилансин;

в) 2019 йил 1 январдан:

ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар, ҳимоя воситалари ва бошқа техник воситаларга техник топшириқлар бўйича ҳулосалар Марказ билан мажбурий тартибда таъминланади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборотлаштириш объектиларида (давлат сирлари бундан мустасно) жорий этиладиган ва фойдаланиладиган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар мажбурий равишда Марказда аттестация ва экспертизадан ўтказилиши зарур;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар, ҳимоя воситалари ҳамда бошқа техник воситаларга техник топшириқлар бўйича ҳулосаларни Марказ билан мажбурий келилишини таъминлади;

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияга бириктирилган транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни Давлат инспекциясига;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказига бириктирилган техник ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мол-мулкни Марказ балансига бегараз ўтказсин, “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулк бундан мустасно.

12. Давлат инспекцияси ва Марказ оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 31-уй манзилидаги бинода жойлаштирилсин.

13. Қуйидагилар:

“Ўзбектелеком” АҚга Марказни зарур алоқа воситалари ва юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан таъминлаш; “Ўзбекэнерго” АҚга Марказга ажратилган бинони мажбурий тартибда захира қилинган улуқсиз энергия таъминоти билан таъминлаш тавсия этилсин.

14. Марказ ахборот соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш учун олиб қилиладиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, аппарат-дастурий комплекслар, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва радиодеталларга божжона тўловларини (божжона расмийлаштируви учун йўғимлардан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчаларга тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган идоравий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорига мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Раиси И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 21 ноябрьМЕВА-САБЗАВОТ
ЯРМАРКАСИ ФАОЛ
ТАДБИРКОРЛАРНИ
ЎЗИГА ЧОРЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ярмаркада ҳўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғок, зираворлар, ичимликлар, транспорт ва логистикага оид кўплаб бўлимлар фаолият юритмоқда. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 100 га яқин фермер, деҳқон ҳўжаликлари, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, экспорт қилишга ихтисослашган компания вакиллари ўз экспозицияларида кўплаб турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда хизматларини намойиш қилмоқда. Барча ҳудудларнинг мева-сабзавотчилик соҳасига оид тақдиротлари бўлиб ўтмоқда.

– Вилоятимиздан 10 га яқин фермер, деҳқон ҳўжаликлари қатнашаётган кўргазма якунига қадар 10 миллион долларга тенг шартномалар имзолашни режалаштирганмиз, – деди Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг Жиззах вилояти бўйича вакили Умид Нишонов. – Ҳамкорларимиз сафи йилдан йилга кенгаймоқда. Жорий йилда Жиззах вилояти 30 миллион долларга тенг маҳсулотни хорижга экспорт қилди. Бу 2017 йилга нисбатан 1,5 баравар кўпдир. Айни пайтда вилоятнинг барча туманлари бу борада фаоллик кўрсатиб, 17 мамлакатда дуккакли, полиз ва сабзавот маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Аграр соҳа бўйича фаолият кўрсатаётган чет эллик инвестор ва шериклар учун мамлакатимизда қатор солиқ ва божжона имтиёзлари яратилиши тадбиркорларимиз билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда.

– Мамлакатингизда фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, интенсив агротехнологиялар, инновацион ишланмалар амалиётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми тобора ортмоқда, – дейди ЎЗА муҳбирига уруғлик картошка етиштиришга ихтисослашган ширкат раҳбари, қирғизистонлик Женишбек Жолдубаев. – Ярмаркада турли эртапишар картошка навлари билан қатнашмоқдамиз. Маҳсулотимизга қизиқиш катта бўлмоқда. Бугуннинг ўзида Жиззах вилояти тадбиркорлари билан шартномалар имзолашга келишиб олдик. Кўргазма 23 ноябрга қадар давом этади.

Абдулазиз МУСАЕВ

БАҒРИКЕНГЛИК ВА
ИНСОНПАРВАРЛИК – ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШИ

БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига кўра, 1997 йилдан буён 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик кунини сифатида нишонлаб келинади. Ўзбекистонда ҳам ушбу кунни кўтаринки руҳда ўтказиш аънаанага айланган.

Пойтахтимизда “Бағрикенглик ва инсонпарварлик – давлат сиёсатининг устувор йўналиши” мавзусидаги халқаро семинар ҳам ушбу сана муносабати билан ташкил қилинди.

“Ихтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан қатор ҳамкорлар кўмағида ўтказилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, илмий доира вакиллари, шунингдек, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги қатор тузилмалари масъул ходимлари, хорижий экспертлар, олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистонда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатини юритиш мустақиллик йилларида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бағрикенгликка асосий демократик тамойил сифатида эътибор қаратиб келинаётгани жамиятда инсонпарварлик, тинчлик ва тотувлик, инсон қадр-қиммати тушунарларини ҳаётини мезон даражасида юксалтириш имконини бермоқда.

Конституцияимизнинг 8-моддасида Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этиши белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда юртимизда 16 диний конфессия фаолият юритмоқда. 130 дан зиёд миллий маданий марказлар турли миллат ва эл вакилларининг урф-одатларини асраб-авайлаш, тарғиб қилиш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларни умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

“Ихтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган жамоатчилик сўрови натижаларига кўра, Ўзбекистонда тарихий, маданий қадриятлар ва турли элларнинг ўзига хос аънавалари сақланиб, авлоддан-авлодга безавол етказиб келинмоқда.

Семинарда миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар, бағрикенгликни мустаҳкамлашда илгор тенденциялар ва бошқа мавзулар юзасидан маърузалар тингиланди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикаси В

Оила — мўъжаз бир Ватан, жамият ўзаги, ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини таъминловчи, миллий қадриятларни ривожлантирувчи, авлодлар умр занжирини мустаҳкамловчи, ахлоқий ва маънавий баркамол авлодни дунёга келтириб, уни комил инсон қилиб тарбияловчи муқаддас даргоҳдир.



Юртимизда оилага жамиятнинг асосий бир бўғини сифатида қаралади. Унинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигини ошириш йўлида эса бир қанча эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2018 йил 27 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори оилаларни мустаҳкамлашнинг устувор вазифаларига хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳар "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳам Давлатимиз раҳбарининг қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, "Оилаларда маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш" мавзусида 72 соатлиқ махсус ўқув курсларини ташкил этди. Бу эса эзгуликка хизмат қиладиган мақсадли вазифаларнинг амалга оширилишига, жамият ва оиланинг узвий бир бўғичи бўлиб фаолият олиб боришга хизмат қилади.

Ўқув курсларини олиб борилишидан кўзланган асосий мақсад оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, соғломлаштириш бўйича хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда миллий қадриятларни яхшилаш бўйича мутахассисларнинг касбий билим ҳамда кўникмаларини тизимли равишда янгиллаб боришдан иборатдир.

Ўқув курслари ўз олдига дастуруламал вазифаларни мақсад қилиб қўйган. Бинобарин, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажралишларнинг олдини олиш, оилада ўзбекона удумларни асраш, қадриятларимизни қадрлаш, соҳада фаолият олиб бораётган кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ишларидан иборатдир.

Жумладан, Оила институтини мустаҳкамлаш, оиланинг репродуктив саломамлиги ва демографик ривожланиши, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш, эр-хотин, ота-она, фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда "Оила — жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принциплари кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш каби масалалар ҳам ўқув курсларининг асосий вазифаларига киради.

Шу билан бирга ўқув дастурларида замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилашда иштирок этиш, замонавий оилани ривожлантириш муаммолари, оиланинг ички ва шахслараро муносабатлари, миллий мерос ва урф-одатларимизни ўрганиш ҳам тингловчиларга тушунтирилиб борилади. Оила ва никоҳ

муносабатлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро тажрибани ўрганиш, оила институтини ривожлантириш ва унинг замонавий шаклини жорий этиш каби бир қатор вазифалар ҳам ўқув курслари доирасидаги асосий мавзулардан ҳисобланади.

Махсус ўқув курсларини ўтиш тартиби "Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги Низом" да кўзда тутилганидек, ходимлар мунтазам равишда йилга камида бир марта тегишли малака оширишдан ўтишлари шартлиги инобатга олиниб Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қиз-

Фармон ва ижро

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ЮРТ ТИНЧЛИГИ

лар кўмитаси раиси Д. Нажмутдинова билан келишилган ҳолда олиб боришмоқда.

Махсус ўқув курслари П.Ф. Боровский номли тиббиёт касб-ҳунар коллежида ўтказилади. Дарсларнинг мазмунли ва юқори технологик асбоб-ускуналар билан ўтишини таъминлаш мақсадида, Республика "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан зарур жиҳозлар, ўқув техника асбоблари ва электрон доскалар билан таъминланди.

Дарс жараёнларини самарали бўлишини таъминлаш мақсадида тингловчиларга интерфасл услубида машғулотлар ўтказилмоқда. Ўқув дастурида белгиланган машғулотлар илгор педагогик технологиялар асосида ташкилланганлиги сабабли қатнашчиларнинг якуний билимлари даражаси анча юқори бўлмоқда.

Тингловчиларга сабоқларни малакали, кучли билимга ва ҳаётий тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар бериб келмоқда. Ўқув жараёнларида профессор-ўқитувчилар томонидан тузилган ўқув режаси, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, кўргазмалар куруллар билан таъминланганлиги қайта қўриқдан ўтказилиб, дарс жараёнининг сифатли ташкил этилишига эришилди. Тингловчиларнинг ўзлаштирилиши яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиб, дидактик материаллар, слайдлар тайёрланди, улардан ўқув машғулотида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб 3 та гуруҳ шакллантирилиб, унда Шайхонтоҳур, Олмазор ва Юнусобод туманларидан жами 66 нафар тингловчиларнинг малакасини оширилган бўлса, октябрь ойида яна 3 та гуруҳ тузилиб, 69 нафар тингловчиларнинг малакаси оширилди. Бугунги кунгача жами 150 нафар тингловчилар ўз билим ва кўникмаларига эга бўлди.

Ўқув сўнггида малака оширувчиларнинг билимларини баҳолаш мақсадида якуний синов имтиҳонлари ўтказилади. Унда уларни 3 та саволдан иборат жами 30 баллик баҳолаш мезони асосида олган билим даражалари аниқланиб борилади. Шунингдек, ўқув семинарлари ва имтиҳон жараёнида мутахассисларнинг ўз лавозимига қанчалик лойиқ ёки нолойиқлигига ҳам эътибор қаратилади ва хотин-қизлар кўмиталарига тавсиялар берилади.

Оилани жамиятнинг асосий бўғини деб англаш тушунчаси, уни инсонлар қалби ва онгига сингдириш ҳам аслида оиладан бошланади. Ушбу махсус ўқув курслари ҳам эзгуликка хизмат қиладиган, яхшиликка ундайдиган, оилани обод ва нурафшон бўлашга айлантиришга хизмат қиладиган мақсадли ишларнинг бир бўлагидир.

Айни дамда ўқув сабоқларида оила соҳасига дахлдор мутахассислар малакаси мунтазам оширилиб боришмоқда. Машғулотлар самарали бўлиши учун кўмака машғулотларга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Дарслар тугагач, ўтилган барча мавзулар бўйича маърузалар матни дискка ёзилиб, ҳар бир тингловчига амалда фойдаланиш учун тақдим этилади.

Ўқув курси якунида тингловчилар томонидан, дарс ўтаётган профессор-ўқитувчиларнинг маърузалари, амалий машғулотлари самарадорлигини билиш мақсадида уларга сўров варақаси ҳам тарқатилади. Унда ўқитувчиларнинг билим даражаси, педагогик маҳорати, дарснинг сифати, ўқитувчининг интизоми ва шахсий фазилатлари 5 баллик мезон асосида баҳоланиб, тақлиф ва муаммолар ёзиб қолдирилади.

Ўқитиш жараёнларида машғулотга келган тингловчилар билан оиланинг қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашиб иш тажрибаларини ўртоқлашади.

Бу махсус ўқув курслари келажақда оилаларнинг тинчлиги ва фаровонлигини оширишга, энг асосийси жаннатмакон ана дёиримизда оила тушунчасини миллий бир улғувор ғояга айлантиришга хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Президентимиз ҳам оилаларнинг янада мустаҳкам бўлиши, ўғил-қизларнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Шундай экан, оиланинг бирдамлигини мустаҳкамлашга, оилада авлодлар ўртасидаги ўзаро алоқани сақлаш, қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ намерларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Зеро, жамиятимизда оиланинг мустаҳкамлиги ва хотиржамлиги Ватанимиз тинчлиги, тараққиёти ва фаровонлигини таъминлайди.

Фарида АБДУРАХИМОВА,
Тошкент шаҳар "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази қошидаги махсус ўқув курсини ташкил этиш ва ўтказиш раҳбари, педагогика фанлари номзоди, доцент

ЮРТ КЕЛАЖАГИ — СЕНИНГ ҚЎЛИНГДА

Мамлакатимизда ёшларни маънавиятли, билимли, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш, буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб етишгани, миллий урф-одатларимизни қадрлайдиган, ватанпарвар бўлиб улғайишини таъминлашга доимо жиддий эътибор қаратилади.

Ана шу мақсадларда ҳозирги кунда таълим муассасаларида маънавият кўни ташкил этилган. Бундан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг маънавиятини бойитиш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, буюк бобокалонларимизнинг қилган ишлари, илм-фан оламига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида маълумотлар бериш, турли иллатлар домига тушиши ва ёт ғояларга алданиб қолишининг олдини олишдан иборатдир.

Худди шундай маънавият кўни бизнинг ҳам мактабимизда ҳар жума кўни ташкил этилади ва ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтириш ва маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган турли мавзуларда тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилади.

Навбатдаги маънавият кўнида "Юрт келажаги — сенин қўлиңда" мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳамид Тўхтаев ва актриса Меҳрибону Иймонбердиевалар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни мукамал билим олиб, келажақда етук инсон бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги, ўз навбатида ёшлар бундан унумли фойдаланиб, келажақда юрт қорига ярайдиган, ақл-заковатли ва теран фикрли кадрлар бўлиб улғайиши кераклиги айтиб ўтилди.

Бугунги кунда ёш авлодга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳаммамизни бирдек қувонтиради, — дейди актриса Меҳрибону Иймонбердиева. — Ёшлар билан бўладиган учрашувларда, тарғибот-ташвиқот ишларида ука-сингилларимиздаги жўшқинлик, ўзларига бўлган ишончини кўриб, кайфиятим кўтарилади. Ёшларимиз жуда иқтидорли, уларнинг ана шу иқтидорини яхши томонга йўналтирсак, маънавиятли бўлиб улғайиши таъминланса, келажақда юртимизга муносиб хизмат қиладиган инсон бўлиб етишади. Бунинг учун эса барчамиз бирдек ҳисса қўшимиз лозим.

Ўқувчилар ва тадбир меҳмонлари ўртасида қизиқарли савол-жавоблар ўтказилди. Ватан ҳақида айтилган шеър ва қўшиқлар тадбирнинг янада кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

Зулфия КАРИМОВА,
Сергели туманидаги 303-мактаб ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Марказий авария-диспетчерлик хизматининг дайди ҳайвонларни тутиш махсус бўлинмаси томонидан шаҳар ҳудудидан дайди ҳайвонларни тутиш ишлари амалга оширилади.

Шаҳримизнинг кўча ва хиёбонларида дайди ҳайвонларни учратганингизда тегишли чоралар кўриш учун дайди ҳайвонларни тутиш махсус бўлинмасининг қуйидаги телефонлари орқали маълумот беришингизни сўраймиз.

Тел: 71 247-72-27, 71 227-48-01, 71 227-48-05.

"Миробод тумани ер тузиш ва қўчмас мулк қадриятлари" давлат корхонаси томонидан Миробод тумани, Одоблик кўчаси, 46-й ўқун Салихов Акмалжон Маҳаматович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚМОИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-й, 2-қават, 225-хона.

Ёшлар пресс клубида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан "Ёшларга оид давлат сиёсати: Шайхонтоҳур туман мисолида" мавзусидаги "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ташкил этилди.



ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Шайхонтоҳур туман ҳокими вазифасини бажарувчи Шўҳрат Мухамедханов, туман прокурори Ойбек Хашимов, туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Улғабери Назруллаев, туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Фахриддин Абдунабиев иштирок этган учрашувда тумандаги ёшларни қўллаб-қувватлаш муаммоларини ҳал қилиш, шунингдек, Кенгаш томонидан ўтган давр фаолиятини сарҳисоб қилиш ҳамда келажақдаги аниқ вазифаларни белгиллаб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Унда тумандаги таълим муассасалари раҳбарлари, таълим муассасалари ёшлар етакчилари, туман сардорлар кенгаши аъзолари қатнашди.

Учрашув давомида Шайхонтоҳур туман ҳокими вазифасини бажарувчи Ш.Мухамедхановнинг туман ёшларига ўз дил изорларини билдириб, 2018 йилнинг 11 ойи давомида туман ёшлари томонидан қўлга киритилган юқори натижаларни, эришган ютуқларни ҳақида маълумотлар бериб ўтди. Кенгашнинг жорий йилдаги фаолиятини сарҳисоб қилиб, 2019 йилнинг асосий устувор вазифалари келишиб олинди. Шу билан бирга туман ёшлари учун қандай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб беришга тўхталиб ўтилди.

Шайхонтоҳур туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Улғабери Назруллаев сўзга чиқиб жорий йилнинг 11 ойи давомида туман ёшлари томонидан содир этилган жиноятлар таҳлил қилинди, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан қилинадиган асосий ишлар юзасидан батафсил маълумот бериб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги "Ёшлар — келажагимиз" давлат дастури тўғрисида"ги фармони асосида Шайхонтоҳур туманида амалга оширилган ишлар таҳлили ва "Ёшлар — келажагимиз" жамғармасининг туман филиали фаолияти бўйича туман прокуро-

ри Ойбек Хашимов томонидан тўлиқ маълумотлар берилди.

— Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур туман Кенгаши бугунги кунда тумандаги ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида турли ташкилотлар билан ҳамкорлигида фаолият олиб боришмоқда, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилоти раиси Отабек Собитов. — Тадбир давомида ҳам ёшлар томонидан ижобий фикрлар билдирилиб, туман ҳокими томонидан ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида маълумотлар берилди. Бу каби тадбирларда ёшлардан турли йўналишдаги тақлифлар тузилмоқда. Тақлифларнинг асосий қисmini тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, "Ёшлар — келажагимиз" жамғармаси ҳисобидан кредитлар олиш масаласи каби муҳим ва шикоятлар қилинган. Умуман олганда шикоятларнинг 70 фоизи ижобий ҳал қилинган бўлса, қолганлари ижрога йўналтирилган. Қилинган ишларга назар ташланса ёшлар ўртасида содир бўлаётган жиноятчиликлар сони камайган, таълим сифати яхшиланаётганини кўриш мумкин. "Ёшлар меҳнат гузар"ларининг ташкил қилиниши бўйича ишлар олиб боришмоқда. Бунга ҳам ижобий ишлардан бири деб айта оламиз. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркалари ташкил қилинмоқда.

Учрашув давомида ёшларни қизиқтирган саволларига мутасадди ташкилот раҳбарлари томонидан жавоблар берилиб, муаммолар ўз жойида ҳал қилинди.

Тадбир сўнггида Шайхонтоҳур туманининг фол сардорлари, таълим муассасалари раҳбарлари, фол ёшлар етакчилари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур туман маҳаллий Кенгаши томонидан қўллаб-қувватлаш соғавалар ва ташақкурномалар билан тақдирланишди.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Улмасов олган сурат



ХАЛҚ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганига яқинда бир йил тўлди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси олдида бир қатор долзарб вазифалар қўйилган эди. Жумладан, миллий қадриятларимизни қамраб олган халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик билан шугулланганларга зарур ва керакли шарт-шароитларни яратиш, халқ амалий санъатини янги босқинга олиб чиқиш, аҳоли, айниқса ёшлар, хотин-қизлар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш каби мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш қабилар уюшманинг асосий вазифаси қилиб белгиланган эди.

Ўтган бир йил давомида бу вазифалар қандай амалга оширилди, ишлар қай йўсинда олиб борилди?

Шу каби саволларга Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Республика “Хунарманд” уюшмаси раиси У.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хунармандчиликка алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бунинг натижасида хунармандларга керакли имтиёз ва эркинликлар берилаётганлиги, уларга ўз маҳсулотларини халқ ичида яна бир бор намойиш ва тарғиб

этиш, сотиш орқали ўзбек хунармандчилигини дунё миқёсида кенг тараққий эттириш борасидаги зарур шарт-шароитлар яратилиб, имкониятлар берилаётганлиги таъкидланди.

2018 йил бошида Республика “Хунарманд” уюшмаси рўйхатидан ўтган хунармандлар 11 минг 600 нафарни ташкил этган бўлса, олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида уларнинг сони 29 минг нафарга етди.

Жорий йил бошида ташкил этилган 696 “Устоз ва шогирд” мактабига 1 минг 956 нафар ёшлар қамраб олинди. Ҳозирда ушбу мактаблар сони 1 минг 851 тага етди ва 5 минг 391 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, миллий хунармандчилик маҳсулотларини хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма ва ярмаркаларда тақдимот қилиш ва бу орқали хунармандчилик маҳсулотларини ташқи бозорда сотишга қўмаклашиш мақсадида йигирмадан ортиқ бир қанча ярмарка, фестивал ва савдо-кўргазмалари уюштирилди. Мазкур тадбирларда 150 нафар хунармандларнинг иштироки таъминланди ва 40 мингга яқин хунармандчилик маҳсулотлари экспорт қилинди.

Жорий йил давомида уюшма томонидан аънанавий хунармандчиликни янада кенг тарғиб қилиш мақсади-

да “Ипак ва зирворлар”, “Нурли наволар”, “Бойсун баҳори” халқаро фестиваллари, кўргазмалар ўтказилди. Мамлакатимизда илк маротаба ўтказилган “Ўзбекистон совғалари” кўргазма-савдоси эса нафақат миллий хунармандчилигини янада ривожлантиришда балки, ёшлар ўртасида номоддий маданий меросимизни асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этди.

Республика “Хунарманд” уюшмаси жорий йилнинг июль ойида АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида ўтказилган “Халқ амалий санъати халқаро бозори” фестивалида 24 нафар хунармандларнинг иштироки этишига амалий ёрдам берди.

Бу фестивалда хунармандларимиз томонидан 451 минг АҚШ доллари миқдорига миллий хунармандчилик маҳсулотларининг сотилишига муваффақ бўлинди. 30 дан зиёд давлат вакиллари орасида юртимиз хунармандларининг маҳсулотлари реализацияси бўйича энг юқори ўринларни эгаллади.

Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида уюшма томонидан хотин-қизлар ўртасида хунармандчиликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш, хунармандчиликка оид билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида қаштачилик, гиламдўзлик, тақинчоқ ва ўйинчоқлар ясаш, эсдалик буюмлари йўналишларида 2 ойлик бепул ўқув курслари ташкил этилди.

Натижада 100 га яқин хотин-қизларга нафақат хунар ўргатилди, балки уларнинг бандлиги ҳам таъминланди. Жорий йилнинг 1 июнидан эътиборан “Хунарманд” уюшмаси томонидан хунармандларга электрон гувоҳнома бериш тизими ҳам йўлга қўйилди, бу эса чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган уста-хунармандларга вақти ва харажати тежаш имконини бермоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

Қадим замонлардан бери ота-боболаримиз ҳалоллик инсонни эл ичида ардоқлайди, пешона тери билан топилган пул баракали бўлади, деб ўргатишган.

Бугунги кунда ҳам аксарият ўзбек оилаларида фарзанд тарбиясида ушбу қоидага қатъий амал қилинади. Бироқ ҳаётда ота-она тарбиясига беписандлик билан қараб, жамиятдаги қонун-қоидаларга риоя қилмасдан, қинғир йўлга билиб-билмай кириб қолаётганлар ҳам учраб туради.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман судида давлат айбловчиси, судланувчи ва унинг ҳимоячиси, жабрланувчилар иштирокида ўтган очик суд мажлисида муқаддам жиноят кодексининг бир нечта моддалари билан судланган бўлса-да, тўғри ҳулосага келмай, алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритишга эришган фуқаронинг жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи Н.Курбонбоев (исми-шарифи ўзгартирилган) 2017 йил сентябрь ойи охирида фуқаро О.Мирсаломовни (исми-шарифи ўзгартирилган) алдаб, тўғри ўзида транспорт воситаси учун “F 707 AB” давлат рақам белгиси борлигини маълум қилиб, ушбу давлат рақам белгисини унга сотишга ваъда бериб, 2.200 АҚШ долларини фарибгарлик йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармасдан пуллари ўз эҳтиёжига сарфлаб юборади.

Орадан икки ой ўтгач, ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини тўхтатмасдан, 2017 йил 1 ноябрь кунидан 6 ноябрь кунига қадар бўлган вақт оралиғида алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида Ж.Абдуяминовга ўзини муқаддам Тошкент шаҳар ИИББ ЎХХБ ходими бўлиб ишлаганини маълум қилиб, унинг ишончига кириб, унга 1.000 АҚШ доллари эвазига аукцион савдоси орқали транспорт воситаси учун “O” партиясидан “707” давлат рақам белгисини олиб беришни ваъда қилиб, 1.000 АҚШ долларини фарибгарлик йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармай транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини қайтариб бериб, қўлга киритган пуллари яна ўз эҳтиёжлари учун сарфлайди. Бундан ташқари, турли хил алдов йўллари билан А.Борисенкодан ҳам 1700 АҚШ долларини олади.

Суд иш бўйича тўпланган далилларга тўлиқ, ҳолисона, ҳуқуқий баҳо бериб, жазо тури ва миқдорини белгилашда, Н.Курбонбоев айбига қисман икдор бўлганлиги ва бундан пушаймончилигини, оиласида ягона боқувчилигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларнинг ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, қонунларда белгиланган тартибда тегишли жазо тайинлади.

Бобир УТАМУРАДОВ,
жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди судьяси

ЯНГИ АСАР ТАҚДИМОТИ

Таниқли япон файласуфи ва адиби Дайсаку Икеданинг “Сен дунёни ўзгариштиришнинг мумкин” номи асарини академик Турсунали Қўзиев ўзбек тилига ўтирди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ушбу китоб тақдимоти-га бағишлаб ўтказилган тадбирда сузга чиққан Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва муқтор элчиси Нобуаки Ито, “The Seikyō Shimbun” газетаси бош муҳаррири Кавасаки Ито, ЎзМУ ректори Авазжон Мараҳимов ва бошқалар икки давлат ўртасида барча соҳалар қатори фан, таълим ва маданият йўналишларидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбек, рус, инглиз ва япон тилида нашр этилган мазкур китобда ҳозирги ижтимоий ҳаёт аслича, ундаги қўллаб қарама-қаршилиқлар, шафқатсиз ҳақиқатлар аниқ мисоллар

асосида акс эттирилган. Инсон қадрияти, сайёраимиздаги барча одамлар тақдирининг ағоналиги, уруш ва зўравонликларсиз ҳаёт моҳияти тўғрисида билдирилган мулоҳазалар китобхонни беҳитиёр фикр юритишга ундайди.

— Инсон бу дунёга кимдан-дир нафратланиш ёки кимга-дир азоб бериш учун келмайди. Ҳозир инсонни чексиз салоҳиятига ишониш, ҳақонда тинчликни қарор топтириш ва сақлаб қолиш учун ўзида қуд қопишининг муҳим пайти келди, — дейди “Тафаккур” журнали бош муҳаррири Эркин Ўзсам. — Ўзвучининг фикрича, инсон турк, америкалик ёки фаластинлик бўлиб туғилмайди. Бундай номлар ҳеч нимани аниқлашмайди, десак хато бўлмайди.

Агар осмондан қаралса, дунё битта, барча одамлар битта замин фарзандларидир. Барчаимизга туғилишимиз билан ҳаёт оти этилади ва ҳар бири-миз, аввало, инсон бўлиб дунёга келамиз. Шу боис тарих саҳифаларини шифатсиз жангу жадаллар, беғуноҳ инсонларнинг изтироблари билан эмас, тақдир тақозосидан келиб чиқиб, ҳар биримиз дунё тамаддуни эврилишларида меҳр-муруват, тинчликпарварлик билан улуш қўйишимиз зарур. Ўзини бутун оқунинг фарзанди, барча қавмларнинг азёсои деб ҳисобловчи Д.Икеданинг ана шундай қарашлари ўзбек китобхонларини берафқ қолдирмайди, десак хато бўлмайди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

“PRIME REALTY” МЧЖ ҳамда “SANOAT-LOYIHALASHTIRISH MARKAZI” МЧЖ билан ҳамкорликда 2018 йил 24 декабрь кун соат 11.00да мулкнинг бошланғич баҳоси босқинча-босқинчи оширилиши тартибиде ўтказиладиغان “Очиқ аукцион” савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Охангарон шўх кўчаси ва Шохимардон кўчаси, 2-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси 1 232 243 000 сўм бўлган ер участкасининг майдони 0,0399 га, умумий майдони 774,0 кв.метрдан иборат “Етоқхона биноси” қўйилмоқда. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда тақририй аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси солиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ун) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари “Савдо ташкилотчиси”га мулк сотув натижасини 2 (икки) фоиз миқдориде комиссия йиғим тўлашиши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидеги талабгорлар тузилмаган закалат келишувиға асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ “InfibANK”даги 20208000700765990001, МФО: 01041, ИИН: 304844964 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидеги ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганилиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдориде тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел: (99) 858-01-12, e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.

Лицензия рақами RR 0285

“101”

ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ!

Содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари томонидан олиб борилаётган профилактика ишларида кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уларда таъкидланаётганидек бепарволик катта талафотларга олиб келишини ҳамма вақт ҳам тушуниб етмаймиз. Оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида бир умр меҳнат қилиб топилган мол-мулкимиз, уй-жойимиз ва яқинларимиздан жудо бўлишимиз мумкин. Ачинарлиси эса бахтсиз ҳодисалар туфайли бир умрга ногирон бўлиб қолаётган фуқаролар ҳам борлигини ўйлаб кўрмаймиз. Бу каби ҳолатларнинг олдини олишнинг асосий омилли эса огоҳлигимизни оширишдир. Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига амал қилиш муҳимлигини унутмайлик!

Бекжигит ЖАНИБЕКОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Кундалик турмушда газнинг ўрни бекиёс, бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам қонун-қоидаларига бор. Уларга доимо амал қилинсагина ҳаётимиз беҳавотир, тинч, осуда кечади.

Биз шу оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан ҳаммиша ҳушёр бўлишни талаб этади. Агар бепарволикдан ҳалос бўлсак “тисиз ёв” ҳаммасига дуч келмаймиз.

Сержан АБДИБЕКОВ,
ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Аҳоли томонидан турли давлатларда ишлаб чиқаришнинг стандарт ва қўлбола мосламалар ёрдамида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда табиий ва суоптирилган газлардан фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса газ ва ҳаво аралашмасининг чакнаши, ёнғин ва ис газидан заҳарланиш каби нохуш ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Агар хонадонингизда табиий газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатинг, газ плиталари ва иситиш печларини газ тармоғидан ўчириг. Хонада электр жиҳозларини ёқманг, ёнқ бўлса ўчириг. Хонадонингизда шундай ҳолатлар юз берса “104” телефон рақами орқали газ таъминоти идораларининг авария кўригиларш гуруҳига, “101” телефон рақами орқали ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар бериг.

Бизнинг айтар сўзимиз битта – бепарво бўлманг. Бепарволик қўлба нохушлиқларга, орта қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Даврон РОХАТАЛИЕВ,
Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, капитан

Ёнғинларнинг келиб чиқишига асосий сабаблардан бири бу ёнғи турган печларнинг назоратсиз қолдирилиши, уларга яқин жойда тез алангаляйдиган нарсаларнинг бўлиши, шунингдек, печлар ёрдамида ёнадиган материалларнинг қуритилиши ва бензин, керосин каби суюқликларнинг сақланишидир. Қиш мавсумида электр иситиш асбобларидан, шунингдек, газ плиталаридан хоналарни иситишда фойдаланиш ҳам ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Барча таъкилот ва корхоналар, таълим, даволаниш муассасалари, кўп қаватли, яқна тартибда қурилган турар жой уйларида иситиш тизимларини мутахассислар кўригилдан ўтказиб, уларнинг ҳулосаларидан сўнг ишга туширилса фавқулодда вазиятларнинг олди олинган бўларди.

Ҳабибулло ХОШИМОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ва Архив биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлими кичик инспектори, сафдор

Қўнғилсиз ҳодисалардан бири заҳарланишларнинг келиб чиқиш сабаблари шунданки, ис газни хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, қўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган газдир.

Ис газни инсон организмнинг нафас йўллари ва аъзолариға қучли таъсир қилади. Нафас йўллари орқали организмни, ҳусусан, марказий асаб системасини заҳарлайди. Ис газидан заҳарланиш унинг ҳаводати концентрациясида ва таъсир муддатига боғлиқ бўлади. Заҳарланиш енгил, ўрта ва оғир даражада бўлади, бундай ҳолатларда бош қаттиқ оғрийди, айланади, қусиш, ҳушдан кетиш ҳамда нафас олиш секинлашади, баъзан ўлимга ҳам олиб келади.

Шундай экан, огоҳ бўлинг! Қонун-қоидаларига амал қилишни унутманг!

Шерали ХАЛИЛОВ,
Юнусобод тумани ЁХБ инспектори, сафдор

Ҳар бир қўнғилсиз ҳодиса кимнингдир лоқайдлиги ва бепарволиги оқибатида содир бўлади.

Фуқароларнинг газ ва электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланишлари оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан аҳолимиз ўз вақтида ҳулоса чиқараётганлиги эса таажубланарли ҳол. Ҳаётда газ ва электр тармоқларида юзага келган нохушликларга жиддий қараш, уларни ўз вақтида тузатиш келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғин хавфини анча қайтартирди.

Файзилла НАРТАДЖИЕВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Кундузи — 13-15 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 23 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқиди
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4268 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г-1135

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.10